



THE IMPORTANCE OF JADIDIST MOVEMENT AS A POLITICAL PARTY

Ravshan Rustamovich Goziev

senior lecturer, Ph.D

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Jadidism, ancients (kadimchi), cleavage, Shura-yi Islam, Shura-yi Ulema.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: This article explores the Jadidist movement, which emerged as the first political party on the borders of our country, as well as the emergence of this movement, its place in the socio-political life of society, and the enhancement of political consciousness and thinking among the population, ensuring political participation. This article analyzed within the framework of Lipset and Rokkan's theory of "cleavage", advanced researchers of political parties.

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Равшан Рустамович Ғозиев

катта ўқитувчи, Ph.D

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жадидчилик, кадимчилар, бўлиниш ёки парчаланиш (cleavage), Шўрои-Ислом, Шўрои Уламо

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз сарҳадларида илк сиёсий партия сифатида шаклланган жадидчилик ҳаракати ўрганилган бўлиб, ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлиши, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, аҳолининг сиёсий онги ва тафаккурини ошириш ҳамда сиёсий иштирокини таъминлаганликлари очиқ берилган. Мақола сиёсий партиялар бўйича етук олимлар Липсет ва Рокканнинг "бўлиниш", "парчаланиш" (cleavage) назарияси доирасида таҳлил қилинган.

ЗНАЧЕНИЕ ДЖАДИДИСТСКОЕ ДВИЖЕНИЕ КАК ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ

Равшан Рустамович Газиёв

старший преподаватель, PhD

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кадимчилар, раскол, Шурайи Улемы.	джадидизм, Шурай-Ислам,	Аннотация: В данной статье изучено джадидистское движение, которое сформировалось как первая политическая партия в границах нашей страны, возникновение этого движения, его роль в общественно-политической жизни общества, рост политической сознания и мышления населения, а также обеспечение политической активности населения. Статья анализируется в рамках теории «раскола» Липсета и Роккана, известных исследователей политических партий.
--	-------------------------	--

КИРИШ

19 аср охирларида Европада ишчи, миллиятчи ва буржуа ҳаракатлари кучайган пайтда, Ўрта Осиё ҳудудида ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида Жадидлар ҳаракати вужудга келади. Ушбу ҳаракат моҳиятан ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, Европадаги шу каби сиёсий ҳаракатларнинг мақсадларини кўрсатувчи халқни онги ва тафаккурини уйғотиш, жамият ва давлатдаги муаммо ва масалаларга бефарқ бўлмаслик, сиёсий иштирокни таъминлашга қаратилган ҳаракат бўлиши билан сиёсий партияларнинг кўринишини акс эттирганди.

Маълумки, 19-аср ўрталарида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиш учун минтақадаги учта хонлик (Бухоро, Хива, Қўқон) руслар ҳужумига дучор бўлади. Биринчи бўлиб ҳужумга дучор бўлган Қўқон хонлиги тугатилади, унинг ўрнига рус қўмондонлари томонидан бошқарилган, маркази Тошкент бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги тузилади. Хива ва Бухоро хонликлари чор Россиясига тобе бўлган, аммо ички бошқарувда эркин бўлади. Қримдан Шарқий Туркистонгача, Қозондан Ашхободгача бўлган кенг ҳудудда яшаган туркий-мусулмон халқлари, Чор Россияси таркибига киритилиши, бу ҳудуддаги халқининг мағлубияти ва қурбон бўлиши зиёлилар тарафидан чуқур ташвиш билан қабул қилинади. Чор Россиясидаги мусулмонларнинг қолоқлигининг сабаблари билимсизлик натижасида содир бўлганлиги айтилади ва бу таълимни янги усулда ўқитиш “Усули-Жадид” мактаблари ва унинг намоёндаларини жадидчилик ҳаракати сифатида эътироф этилишига сабаб бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақолани ёзишда метод сифатида сиёсий партиялар бўйича етакчи олимлар Липсет ва Рокканнинг “парчаланиш”, “бўлиниш” (cleavage) назарияси асосида таҳлил қилинди ва ўрганилди. Сиёсий партияларнинг шаклланишига оид адабиётларда муҳим ўрин тутган Липсет ва Роккан сиёсий партияларнинг ривожланиши ва институционаллашуви тарихини ёзишда ижтимоий зиддият ва қутбланишни таъкидлайдилар. Муаллифларнинг фикрича, 19-аср бошидан бошлаб Европа тарихида сиёсий бўлиниш ёки парчаланиш Францияда бошланган миллий инқилоб ва Британияда бошланган саноат инқилоби ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида шаклланган. Муаллифларнинг фикрига кўра, иккаласи ҳам халқларнинг ижтимоий-сиёсий бўлинишига ва демак, миллатларнинг сиёсий партиялар тизимининг дастлабки форматида таъсир кўрсатган. Миллий инқилоб (Француз инқилоби) икки турдаги ижтимоий бўлинишларни келтириб чиқарди. Биринчиси, черков-давлат зиддияти. Миллий ҳукуматларни қурилиши ва кучайиши марказлаштириш, стандартлаштириш ва сафарбарлик функцияларини ўзиша олиши билан католик черковининг таълим тизимини назорат қилиш ва черковнинг ўрнатилган имтиёзларини ҳимоя қилиш бўйича уюшган манфаатларига зид эди. Иккинчи бўлиниш - марказ ва чекка (периферия) бўлиниши. Марказий давлатнинг янги ва кенгайиб бораётган идоралари нисбатан автоном, минтақавий жамоаларнинг манфаатларини қисқартирди. Шундай қилиб, марказ чекка (периферия) бўлиниши жамиятнинг чекка секторларидаги этник, лингвистик ёки диний озчиликларга қарши ҳукмрон миллий маданиятларни қарама-қарши қўйди.[1] Жадиличлик ҳам худди шундай минтақавий ва мафуравий бўлинишнинг бир кўриниши эди.

Чор Россиясига қарамлик туркий-мусулмон халқларни келажакка бўлган хавотирларини кучайтиради. Бир гуруҳ зиёлилар қарамлик ва мустабидликнинг асосий сабаби билим ва тафаккурда орқада қолишлик, янгилик, ижодкорлик ва фан билимларининг етишмаслигида деб билишади. У пайтларда мусулмон жамиятларининг “усули қадим” деб аталган тизим билан мадрасаларда таълим олиши, фақатгина диний дарслар ва маълум даражада ўқиш ва ёзиш билан чекланган эди. Шунинг учун ушбу таълимнинг етарли эмаслигига қарор қилинилади ва бу ҳолатни англаган зиёлилар «усули жаид»дан яъни, таълимни янгича услуб билан таъминлаш керак, деган фикрни илгари суради. Қримлик Исмоил Гаспирали томонидан асос солинган Усули Жаид тизими билан таълим олган ёшлар ва бу таълим тизимида дарс берадиган зиёлийлар Жадидалар сифатида номланади. Бироқ чор Россиясининг турли минтақаларида ижтимоий-сиёсий алоқа ҳар хил бўлганлиги сабабли жаидлар ҳар бир жамиятда турлича намоён бўлади.[2]

Марказий Осиёда жаидчилик ижтимоий-маданий ҳаракат сифатида 1890-йилларда вужудга келади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдуррауф Фитрат, Усмон Хожа (Хўжаев), Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Авлоний, Чўлпон ва бошқалар жаидчилик жамиятни маданий юксалишга олиб чиқади ва динни (исломни) модернизация қилишга имкон беради ва шунинг натижасида халқ таназзулдан қутулади, деб ҳисоблашади.[3] Бу масалани 1906-йили Мунаввар қори кейин эса 1913-йилда Бехбудий қуйидагича шарҳлайди:[4, 5]

“Бизнинг барча фаолиятларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, йўлларимиз, сўзларимиз, мактабларимиз, мадрасаларимиз ва таълимотларимиз, усулларимиз, ахлоқимиз чириган... Яна беш-ўн йил шундай давом этсак, ривожланган давлатлар босими остида парчаланиш ва йўқ бўлиб кетиш хавфига дуч келамиз. Эй диндорлар, эй фуқаролар! Одил бўлайлик ва ўз ахлоқимизни бошқа ривожланган давлатлар билан солиштирайлик. Келажак авлодлар келажagini таъминлайлик ва уларни ўзгаларнинг қули ва хизматкори бўлишдан сақлайлик. Овруполиклар бизнинг бепарволигимиз ва нодонлигимиздан фойдаланиб, ҳукуматимизни тортиб олдилар ва аста-секин ҳунармандчилигимизни ва савдомизни эгаллаб ола бошладилар. Ўзимизни, миллатимизни ва фарзандларимизни ҳимоя қилиш учун ишларимизни тезда яхшилашга ҳаракат қилмасак, келажакимиз ниҳоятда қийин бўлади. Ислохот, бу бизнинг замонамизга тегишли фанларнинг ривожлаништирилишдаги тез суратдаги бошланғич бўлиб хизмат қилади. Замон илмлари билан танишиш мактабларимиздаги ислохотларга ва ўқитиш услубимизга боғлиқ”.

Тарихан жаидларни уч даврга бўлиш мумкин: 1890-1905 йиллар оралиғидаги 1-давр кўпроқ маориф ва маданиятга йўналтирилган ҳаракат; 2-давр 1905-1917 йиллар оралиғи бўлиб, Россияда 1905 йил инқилобидан кейин жаидларнинг сиёсийлашиши; 3-давр 1917-1924-йилларни ўз ичига олиб, Россияда 1917-йилги феврал ва октябрь инқилобидан кейин жаидларнинг партия тузиши ва ҳукумат тузишидир. Темур Хўжаўғлига[6] кўра, Жаидлар ҳаракати биринчи бўлиб таълимда янгилик яратиш мақсадида вужудга келган бўлса-да, кейинчалик у сиёсий ҳаракат ва ҳатто сиёсий партияга айланади.

Биринчи даврда, Жаидлар янги таълим тизими билан мактаблар очар экан, Қадимчилар деб номланувчи эски усул тарафдорлари билан келишмовчиликларга учрашади. Жаид тафаккурида кўпинча руҳонийларга (диндорларга) қарши кайфият мавжуд эди. Шу сабабдан кўпчилик уламолар жаидчилик дастури ва мафкураларига қарши чиқишади ва уларни исломга зид, бузуқ ғояли янгиликлар сифатида таърифлашади. Худди шундай кўпчилик жаидчилар бу қадимчиларни фақат замонвий ислохотга

тўсқинлик қилувчилар сифатида эмас, балки Қуръон ва Суннатдан манба олган ислом мафкурасига тўғри келмайдиган маҳаллий урф-одатларда учрайдиган бузук эътиқодларга асосланган шахсий манфаатдорликка эга элиталар сифатида кўради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, қадимчилар ҳам «ҳақиқий» Исломга душман, ҳамда жамият учун зарарли ҳисобланган.[7]

Тадқиқотчи Киммагега кўра, жаидларнинг ўзлари учун афзал кўрган атамаси «таракқийпарварлар» - «таракқиётни яхши кўрадиганлар» ёки «таракқиётчилар» ва «зиёлийлар» атамаларидир. Бу илғор «таракқийпарварлар» Қуръонни араб тилида ўқийдиган, форс ва турк тилларини бирдек яхши биладиган мусулмонлардир.[8] Қолаверса, рус ва европа тиллари улар учун илм-фан манбасига айланган эди. Жаидлар учун таракқиёт илм орқали юксалиш шаклини олган эди. Бу борада бой тадқиқотлар олиб борган Холид [9] шундай ёзади: «Жаидларнинг билимга сиғиниши... уларни маърифат лойиҳасининг асосий оқимиға мустаҳкам бир шаклда жойлаштирди» - дея таъкидлайди. Жаидлар учун Европа таракқиёт тимсоли эди. Жаидларнинг аксарияти Европани кезган ва ўз асарларида кўпинча “ривожланган Европа” ва “қолоқ Марказий Осиё” ўртасида кескин қарама-қаршилиқни яратган эдилар.

Холид 1902 йилда Европаға сафар қилган бухоролик бир савдогарнинг ўғли Мирзо Сирож Раҳимдан иқтибос келтирган ҳолда вазиятни қуйидагича тасвирлайди:

“Мен Европада эски ёки йиртилган кийимли бирорта одамни, бирорта вайрона ёки бирорта асфальтланмаган кўча кўрмадим.... Лекин бизда бечора савдогар ва ҳунармандларимиз ҳужраларида, тиланчилар оломони билан ўралган, бир дақиқа ҳам тоза ҳаво топилмайдиган дўконларида зулматта... Уят, уят. Парижға саёҳат қилган пайтларим суюкли ватаним ҳамиша ёдимда эди ва тинмасдан кўзларимдан ёшлар оқарди...” [10]

Жаидларнинг бу ташвишлари уларни янада кучайтириш билан бирга барча қийинчиликларға қарамай, янги турдаги мактаблар ва матбуот очишға ундади. Мактабларда янги фанларни ўргатиш жараёнида матбуотда жамиятдаги муаммолар муҳокама қилиниб, уларға муносабат билдирилди ва амирлар, хонлар, беклар ва уламо-шайхларнинг бепарволиги ҳақида ёзишади. Айниқса, Бухородаги либераллар (жаидлар)ва консерваторлар (Қадимчилар) ўртасидаги мафкуравий тўқнашувнинг шиддати кўпроқ кузатилади.[11]

Жаидчилик ҳаракати асосчилари мадрасаларда диний таълим олган бўлсалар ҳам чет эллардаги саёҳатлари ва таълим олиши натижасида мадрасалар замон талабига жавоб бермаслигини англашади. Шундай қилиб, 1898-1908 йиллар орасида юздан ортиқ жаид мактаблари очилади. Ўша йилларда Туркистонда 102та жаид бошланғич мактаби ва 2

ўрта мактаби мавжуд эди. Улардан 6 таси Бухоро амирлигида, 8 таси Хива хонлигида.[6] Бу мактабларда дарс берувчи муаллимлар ва бу мактабларни тамомлаган ўқувчилар ақлий салоҳияти юксак бўлиши билан бир қаторда сиёсий мутафаккирлар ҳам эди.

Жадидларни миллат ва ватан қайғуси уларни моариф соҳасидан сиёсий ҳаракатга айланишга ундади. Бу уларнинг юқорида таъкидлаганимиздек, иккинчи даврда (1905-1917) юз беради. Аслида, бу кутилган бир натижа ва ҳолат эди. Жадидчиликнинг сиёсийлашуви айниқса икки масалада яққол намоён бўлди: биринчидан, рус босқинчиларига қарши кўзғолонлар; иккинчиси, миллий бирлик ва бу мустақиллик масаласидадир.

Россиядаги 1905 йилги инқилоб билан жуда ижобий ўзгаришлар содир бўлган бу даврда либерал конституциявий тузумга умид учкунлайди. Дарҳақиқат, Россия парламентар монархияга айланди ва сайланган парламент – Дума тузилди. Жадидлар ҳам бу ҳолатни ижобий баҳолаб, ўз мамлакатларида ислохот ҳаракатларини жонлантирадилар. Шу билан бирга Холид фикрича[3], бутун мусулмон олаmidан хабарлар доимо ёмон бўлган чунки, Марокашнинг Франция ва Испанияга тезда бўйсунishi, Эроннинг амалда парчаланиши билан бир пайтга тўғри келади ва Россиядаги сиёсий ҳаёт ҳам 1907-йилдан ёмонлаша бошлаган эди. Ўрта Осиё жадидлари орасида инқироз туйғусини шакллантирган 1908 йилги Ёш турклар инқилобидан кейинги даврда Усмонли империяси дуч келган кўп сонли урушлар ва ҳудудий йўқотишлар жадидларнинг халқ сифатида яшаб қолиш ҳақидаги ташвишларини кучайтирди. Ўша пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудийга тегишли “Ойна” журналида Хожи Муин “Истикбол Қайғуси” (Келажак ташвиши) мақоласида Туркия, Эрон ва Марокашдаги воқеалар ҳақида фикр юритган ҳолда ушбу жумлаларни баён қилади: “Фан ва техника тараққиёти билан дунёнинг турли халқларининг аҳволи (уларнинг тақдири) европаликлар қўлида. Дунё кучлиларнинг кучсизларни йўқ қилаётган ва омон қолиш учун кураш ҳолига айланди. Бу қонун табиатдаги барча жонли ва жонсиз мавжудотларга тааллуқлидир... Замонамиздаги ҳукуматлар тез-тез янги ўзгаришларга дуч келишябди ва бу даврнинг қуролига эга бўлмаган ҳукуматлар ўз мамлакатлари ва мустақилликларини йўқотмоқда”.[12]

Миллатнинг тақдири ва омон қолиши учун жадидлар бир томондан маълумот тарқатишга ҳаракат қилишса, иккинчи томондан рус босқинчиларига қарши кўзғолонларни ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича[13], 1898 йилдан 1916 йилгача Туркистон халқи чор подшолик зулмидан қутулиш учун 4922 марта қуролли кўзғолон кўтаради.

1916-йилда Туркистон халкининг Россияга қарши кўтарилган буюк халқ кўзғолони ҳам шу мақсадда эди. 1916 йил феврал кўзғолони Чор Россияси рус бўлмаган халқларни жаҳон уруши фронтига сафарбар этишига жавоб сифатида вужудга келади. Чор Россиясининг бу қароридан хавотирда бўлган Туркистон зиёлилари 1916 йил май ойида Самарқанддаги Маҳмутхўжа Бехбудий уйида жадид намоёндалар Мунаввар Қори, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хожа, Қори Комил ва Обиджон Маҳмуд билан бирга йиғилишадилар. Бу мажлисда Туркистондаги ҳолат ва Туркистонликларнинг фронт орқасига сафарбар этилган тақдирда кўзғолон бошланиши ва Туркистонга озодлик талаб қилишга қарор қабул қилинади.[13] Бу фақатгина исён эмас, балки озодлик ҳаракатидир. Кўзғолон бутун Ўрта Осиёда Чор Россияси зулмидан норози бўлган ўн минглаб одамлар қатнашади.[14] Кўзғолон шафқатсизларча ва қонли равишда бостирилди. Бироқ, Биринчи жаҳон уруши пайтида Туркистонда катта бир кўзғолоннинг пайдо бўлиши ва янги фронтнинг очилиши чор Россиясини қийин аҳволга солиб қўйди ва кейинчалик, Биринчи жаҳон урушида чор Россиясини жанг олиб бора олмайдиган даражага олиб келди. Чунки ижтимоий-иқтисодий вазият энди урушни давом эттиришга қодир эмас эди.[13]

Учинчи давр жадидлар учун жуда муҳим давр эди. Аслини олганда, жадидларнинг партиявийлашуви ва сиёсийлашуви чўққига етган эди. Чор Россияси Биринчи жаҳон урушида жангларни давом эттира олмай қолгач, армия ичида ихтилоф юзага келади. 1917-йил февралда чор Россияси ағдарилиб, унинг ўрнида муваққат ҳукумат тузилган бўлса-да, муваққат ҳукумат ҳам урушни муваффақиятли равишда амалга ошириб олмаганди. Кейинчалик, Октябр инқилоби содир бўлади ва Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳокимият тепасига келиб, социалистик республикани эълон қилдилар. 1917 йил феврал инқилоби билан подшоҳ тахтдан ағдарилиши Туркистон жадидларини ҳам ҳаракатга келтиради.

Жадидлар ташаббуси билан 1917 йил 4-8 апрелда Тошкентда Туркистон мусулмонларининг II қурултойи чақирилиб, Туркистон мусулмонлари марказий кенгашини тузишга қарор қилинади. Мустафо Чўқай ушбу марказнинг раиси этиб сайланади. Бу қурултойдан кейин жадидлар 1917 йил 10 апрелда “Ислом кенгаши” ташкилотини тузадилар ва унга Мунаввар Қорини раис этиб сайладилар. Май ойида Шерали Лапин раислигида Уламолар кенгаши тузилади.[13] Уламолар кенгашининг Ислом кенгашидан ажралиб чиқиши ва бошқа “Мифтоҳ-ул Маориф”, “Турон”, “Иттифоқ-ул-муслимин” каби партияларнинг ташкил этилиши баъзи ихтилофларни ошкор қилган бўлса-да умумий мақсад парламент томонидан бошқариладиган Туркистон мухториятини

ташқил этиш эди. Шу мақсадда барча ташкилотларни бирлаштирган “Турк Адами Марказият” партиясига асос солинган.[15]

Россияда инқилоб орқали ҳокимиятга ўзини байналмилалчи сифатида танитган коммунистлар келган бўлса-да, русларнинг Туркистонда маҳаллий халққа ҳукмронликни бериш истаги ҳеч қачон бўлмаган. Буни тезда англаган жадидлар 1917-йил 26-28-ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида 4-Фавқуллода Конгрессни чақиради. Бу курултой натижасида Туркистон Миллий Мухторияти эълон қилинади. Машҳур жадидчи Фитрат Мухторият эълон қилинган кечани “Миллий кадр кечамиз” деб атайди.[16] Тошкент кўчаларида Мухторият байрамлари бошланади, лекин Октябр инқилоби билан ҳокимият тепасига келган большевик-коммунистлар бу ҳолатдан безовталанади ва Тошкентда намойишларни қонли усуллар билан бостиришади. 1918-йил 9-февралда Совет Россия армияси ва Арман Дашноқ партиясининг ҳарбий қисмлари Қўқон шаҳрини босиб олиш мақсадида шаҳарни артиллериядан ўққа тута бошлади ва 72 кун яшаган Туркистон Мухторияти куч билан тугатилади. Мухториятнинг қурол билан тугатилиши 16 йил давом этадиган (1917-1934) «Босмачилар» номли (бу ном бўйича баҳслар мавжуд: [6]) миллий курашнинг бошланишига сабаб бўлади.[13]

1910-йилларда ташқил этила бошланган Бухородаги “Ёш бухороликлар” ва Хивада “Ёш хиваликлар” ҳаракатлари Россиядаги инқилобдан кейинги сиёсий фаолиятни очиб беради. Ёш бухороликлар Бухорода Бухоро амирининг зулмига қарши чиқадиладар ва ислохотлар қилинишини, парламент ташқил этилишини, мактаблар очилиши, бепул таълим ва солиқ сиёсатининг тартибга солишини талаб қиладилар. Ёш хиваликлар ҳам шундай талаблар қўйганлар. Хива хони Бухоро амиридан фарқли равишда жадидлар билан битим тузиб, жадидлардан иборат парламент туза олди. Бироқ, уларнинг фаолияти тез орада тугатилади. Қочқинда бўлган Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар Октябр инқилобидан кейин Россия Совет ҳукуматидан Бухоро амири ва Хива хонига ўз мамлакатида ислохотлар ўтказиши учун босим ўтказишни ва жадидларни қўллаб-қувватлашни сўрайди. Рус советлари бу имкониятдан дарҳол фойдаланиб, Туркистондаги Россия совет қўшинини Бухоро ва Хивага жўнатади ва қонли урушлар натижасида 1920-йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тугатилади. Унинг ўрнига Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ташқил этилди.[13] Жадидлар бу икки республикада юқори лавозимларга эришадиладар, лекин кўп ўтмай, коммунистлар ўзлари истамаган жадидларни ишдан бўшатиб, баъзиларини таъқиб қила бошлайди. Бундан безовта бўлган кўплаб жадидлар, масалан, Усмон Хўжа коммунистларга қарши кураша бошлайди.[6] Холид фикрича[17], 1924-йилда Ўрта Осиёда миллий давлат қурилишида

жадидлар муҳим рол ўйнаган бўлса-да, 1933-1938 йилларда Ўрта Осиёдаги барча жадидчилар буржуазияпараст ва миллатчилик каби сохта айбловлар билан қатл қилинади ёки сургун (гулаг) қилинади.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, юртимизда жадидлар ҳаракати миллий озодлик ва истиқлол ғоялари, миллатни уйғотиш, онги ва тафаккурини ривожлантирида муҳим рол ўйнаган ижтимоий-сиёсий ҳаракат эди. Ушбу ҳаракат, аввало, Туркистон генерал-губернаторлигидаги халқларни марказий ҳокимият чор Россияси зулми ва мустабидидан холос қилишга қаратилган чекка (преферия) кўринишга эга ҳаракат сифатида ўртага чиқади. Кейинчалик ўзлари орасида секуляр ва диний-мафкуравий кўринишда бўлиниши юз беради. Бухоро ва Хивада эса марказий бошқарувнинг ўта консервативлиги ва ёпиқлигига қарши янгилик, ислохот ва тараққиёт кўринишида жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлганини таъкидлашимиз мумкин. Албатта, жадидлар ўзлари орзу қилган истиқлолга эриша олмаган бўлсаларда, халқимиз, миллатимиз ва Ватанимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришда, тараққиёт ва мустақиллик учун курашда собитқадам бўлганлигини эътироф этиш даркор. Зеро, бугунги кунда ҳам жадидларимиз таъкидлаган ўғитлар ва ҳаракатлар кўп жиҳатдан дастур-ул амал бўлаётганлиги, миллатни билимини юксалтириш, тараққиётдан орқада қолмаслик, халқ ва миллат бирлиги, сиёсий бирлик ва ҳаракатни яратиш тамойиллари билан жадидчилик ҳаракати муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Lipset S.M. and Rokkan S., “Cleavage Structures, Party Systems and Voter Alignments: An Introduction”, (edit.) In S.M.Lipset and S.Rokkan, Party Systems and Voter Alignments: Cross-national Perspectives. New York: Free Press, 1967, pp. 1-64.
2. Khalid A., “CEDİTLER ve Orta Asya’daki Yeni Kimliklerin Ayrıntılarına Giriş”, Türkler, haz. Hasan Celal Güzel vd. Cilt: 18, Yeni Türkiye Yayınları, 2002, ss. 636-643.
3. Khalid A., Jadidism in Central Asia: Origins, Development, and Fate Under the Soviets, https://mesbar.org/jadidism-in-central-asia-origins-development-and-fate-under-the-soviets/#_ftn4
4. Munawwar Qori Abdurrashidhon ogli, ‘Islah ne demakdadur’, Khurshid (Toshkent), 28 Sentabr, 1906.
5. Behbudi M., “İhtiy-i millat”. Oyna, Samarqand, 12 Iyul 1913
6. Kocaoglu T., Türkistan’da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900-1924: Osman Hoca Anısına İncelemeler, İkinci Baskı, Hollanda, UZNED. 2018, s. 17.

7. Kuttner T., “Russian Jadīdism and the Islamic world: Ismail Gasprinskii in Cairo, 1908. A call to the Arabs for the rejuvenation of the Islamic world.” In *Cahiers du Monde Russe et Soviétique*. 16 (3): 383–424. doi:10.3406/cmr.1975.1247.
8. Kimmage D., *Central Asia: Jadidism - Old Tradition Of Renewal*, 2005 <https://www.rferl.org/a/1060543.html>
9. Khalid A., *The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia*. Berkeley, CA: University of California Press, 1998, p.156.
10. Kimmage D., *Central Asia: Jadidism - Old Tradition Of Renewal*, 2005 <https://www.rferl.org/a/1060543.html>
11. Ergün M. ve Çiftçi B., “Türk Dünyasının İlk Ortak Eğitim Reformu: Usul-ü Cedid Okulları”, *I.Uluslararası Türk Dünyası Kültür Kurultayı Ege Üniversitesi Türk Dünyası Araştırmaları Enstitüsü*, 2006, ss. 1-15.
12. Hoji Muin, *İstiqbol Qayg‘usi*, “Oyna” *Jurnali*, 1913 yil, 2-son // <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/matbuot/jadid-matbuoti/hoji-muin-istiqlol-qayg-usi-1913>
13. Hayit B., *Türkistan Çarizmden Bolşevizm Hâkimiyetine Geçiş Devrinde*, Hollanda, UZNED, 2018, ss. 184-195.
14. Isyonmi yo milliy-ozodlik harakati? 18 Aprel 2016, https://www.bbc.com/uzbek/lotin/2016/04/160418_latin_kyrgyz_history_conference
15. Agzamhodjayev S., “Jadidchiliknin G‘oyavi Rivojlanish Bosqichlari”, (Mas‘ul muh.) Bahtiyar Hasanov va Naim Karimov, *Jadid Ma‘rifatparvarlik Harakatinin G‘oyaviy Asoslari*, Toshkent Islom Universiteti, 2016, 6-10 betlar.
16. Eshonov B., *O‘zbekiston davlatchilik va boshqaruv tarihi: Turkiston Muhtoriyati*, 2012, <https://shosh.uz/turkiston-muhtoriyati/>
17. Khalid A., *Making Uzbekistan: nation, empire, and revolution in the early USSR*, Ithaca, NY, Cornell University Press, 2015.